



Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Абу Бакр розияллоҳу анҳу уни Баҳраинга юборганида унга қуйидагича мактуб ёзиб берган эди: «Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм. Бу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мусулмонларга фарз қилган ва Аллоҳ таоло Ўзининг Пайғамбарига буюрган фарз садақа (закот) нисобидир. Мусулмонлардан қай биридан шу кайфиятда сўралса, берсин, бундан ортиқча сўралса, бермасин: Йигирма тўртта ва ундан кам бўлган туянинг закоти ҳар бештасига битта қўй, йигирма бештадан ўттиз бештагача бўлганда битта урғочи бинт махоз (1 ёшни тўлдириб, 2 ёшга ўтган туя), 36тадан 45тагача битта урғочи бинт лабун (2 ёшни тўлдириб, 3 ёшга ўтган туя), 46тадан 60тагача битта урғочи қочирилишга яроқли ҳиққа (3 ёшни тўлдириб, 4 ёшга ўтган туя), 61тадан 75тагача битта жазаъа (4 ёшни тўлдириб, 5 ёшга ўтган туя), 76тадан 90тагача иккита бинт лабун, 91тадан 120тагача қочирилишга яроқли иккита ҳиққа, туялар сони 120тадан ошиқ бўлганда ҳар 40тасига биттадан бинт лабун, ҳар 50тасига биттадан ҳиққа берилади. Кимда тўрттадан ортиқ туя бўлмаса, унга закот вожиб эмас, фақат эгаси ўзи хоҳласа (бериши жоиз), агар туяси бештага етса унга битта қўй бериш фарз бўлади.

Яйловда боқиладиган қўйларнинг закот нисоби: 40тадан 120тагача бўлганда битта қўй, 120тадан ошиғи то 200тагача бўлганда иккита қўй, 200дан зиёдаси то 300тагача бўлганда учта қўй, 300тадан ортиқ бўлганда ҳар 100тага биттадан қўй берилади. Кишининг яйловда боқиладиган қўйлари 40тадан битта кам бўлса ҳам унга садақа (закот) фарз бўлмайди, фақат эгаси ўзи хоҳласа (бериши мумкин).

Кумушнинг нисоби қирқдан бирдир. Кумуш 190 (дирҳам)дан ошиқ бўлмаганда унга садақа вожиб бўлмайди, фақат эгаси ўзи хоҳласа (бериши мумкин)» (Имом Бухорий ривояти).



Шарх:

Аллоҳ таоло йил бўйи ёки йилнинг кўп қисмида яйловда боқиладиган қўйлардан закот беришни фарз қилди, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг шартлари ва нисобларини баён қилиб бердилар. Аммо уйда емлаб боқиладиган қўйларнинг закоти йўқ.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Яйловда боқиладиган қўйлар сони 40тага етса, закот бериш фарз;
2. 40тадан 120тагача қўйдан битта қўй берилади;
3. 121тадан 200тагача қўйдан иккита қўй берилади;
4. 201тадан 300тагача қўйдан учта қўй берилади;
5. Айбли ёки қари ҳайвонни закотга чиқариш ярамайди.